



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MANKAMASINING QARORI

20 21 yil « 4 » oktabr

№ 618

Toshkent sh.

Маҳсулотларни экспорт қилишда ташиш харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий қонунчилик базасини комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 30 апрелдаги ПФ–6218-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экспорт фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 7 майдаги ПҚ–4707-сон қарорига мувофиқ Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясига маҳсулотларни экспорт қилишда транспорт харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидиялар тақдим этиладиган маҳсулотлар рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, субсидиялар тақдим этиш миқдорларини белгилаш, шунингдек, маҳсулот тури, ҳажми ва экспорт йўналишига қараб субсидиянинг қатъий миқдорларини белгилаш ваколати берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Маҳсулотларни экспорт қилишда ташиш харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш тартиби тўғрисидаги низом** иловага мувофиқ тасдиқлансин:

экспорт қилувчиларга маҳсулотларни экспортга ташиш харажатларининг бир қисмини компенсация қилиб бериш шартлари;

компенсация олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар, уларни қабул қилиш, кўриб чиқиш, компенсация бериш ёки рад этиш тартиби;

компенсация миқдорини ҳисоблаш ва тўловни амалга ошириш тартиби.

3. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиради.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “4 ~~ОКТАБР~~даги ~~618~~сон қарорига
илова

**Маҳсулотларни экспорт қилишда ташиш харажатларининг
бир қисмини компенсация қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом экспорт қилувчи тадбиркорлик субъектларига (уларнинг ваколатли вакиллариغا) маҳсулотларни автомобиль, темир йўл, ҳаво транспортида ҳамда почта жўнатмалари орқали экспорт қилишда ташиш харажатларининг 50 фоизигача қисмини Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган субсидиялар ҳисобидан компенсация қилиб бериш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ваколатли орган – Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги;

экспорт қилувчи – маҳсулотларни хорижий мамлакатлардаги харидорларга экспорт шартномалари (инвойс)га мувофиқ сотувчи, шунингдек, экспорт ва (ёки) воситачилик шартномаларига биноан юк жўнатувчи тадбиркорлик субъекти, шу жумладан, унинг ваколатли вакили;

субсидия – маҳсулотларни экспорт қилишда ташиш харажатларининг 50 фоизигача қисмини экспорт қилувчига компенсация қилиб бериш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ваколатли органга ажратиладиган маблағ;

компенсация – маҳсулотларни экспорт қилишда ташиш харажатларининг 50 фоизигача қисмини қоплаб бериш учун ушбу Низомда белгиланган тартибда ҳисобланган, ваколатли орган томонидан экспорт қилувчига субсидия ҳисобидан тўлаб бериладиган маблағ;

ташиш харажати – маҳсулотларни автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспорти (аралаш ёки алоҳида транспортда) орқали экспорт қилишда экспорт қилувчи томонидан тегишли шартнома (инвойс)ларга мувофиқ транспорт компанияси ва (ёки) транспорт-экспедиторлик компаниясига хизматлари учун тўланган маблағ, экспорт қилувчининг ўзига тегишли автомобиль транспорти орқали экспорт қилишда экспорт қилувчи томонидан маҳсулотларни ташиш учун сарфланган маблағ, почта жўнатмалари орқали экспорт қилишда экспорт қилувчи томонидан почта алоқа операторига халқаро почта жўнатмалари учун тўланган маблағ, бундан денгиз транспортида ташиш учун сарфланган маблағлар мустасно;

махсулотлар – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясининг (кейинги ўринларда – Ҳукумат комиссияси) қарорлари билан тасдиқланган, экспорт қилишда ташиш харажатлари қисман компенсация қилиб бериладиган маҳсулотлар;

воситачилик шартномаси – бир тараф (воситачи) иккинчи тараф (комитент)нинг топшириғи бўйича ўз номидан, бироқ комитент ҳисобидан экспорт шартномалари тузиш орқали комитент маҳсулотларини маълум бир ҳақ эвазига экспорт қилиш бўйича тузилган шартнома;

махсулотларнинг келиб чиқиш сертификати – маҳсулотлар Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

транспорт-экспедиторлик компанияси – экспорт қилувчининг маҳсулотларини автомобиль, темир йўл ёки ҳаво транспорти орқали экспорт қилишда транспорт-экспедиторлик хизматлари кўрсатувчи тадбиркорлик субъекти;

транспорт компанияси – экспорт қилувчининг маҳсулотларини автомобиль, темир йўл ёки ҳаво транспортида экспортга ташиш хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъекти.

2-боб. Компенсация тақдим этиш шартлари

3. Ваколатли орган томонидан экспорт қилувчига компенсация тақдим этилиши учун:

экспорт қилувчи Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатига олинган;
махсулотлар Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган;

махсулотлар Ўзбекистон Республикаси билан чегарадош бўлмаган давлатларга экспорт қилинган, бундан Афғонистон Ислом Республикасига экспорт қилинган маҳсулотлар ва қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар мустасно;

махсулотлар белгиланган тартибда экспорт режимига жойлаштирилган, бундан 5000 АҚШ долларигача бўлган қийматдаги маҳсулотларнинг почта жўнатмалари орқали экспорти мустасно;

экспорт шартномаси (воситачилик шартномаси, инвойс)да Инкотермс шартлари асосида маҳсулотларни етказиб бериш бўйича транспорт харажатлари экспорт қилувчи зиммасига юкланган ва ушбу харажатлар учун тўловлар экспорт қилувчи томонидан амалга оширилган бўлиши керак.

3-боб. Компенсация тақдим этиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар ва уларни кўриб чиқиш тартиби

4. Маҳсулотларни экспорт қилишда ташиш харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш ушбу Низомга 1-иловадаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

5. Ташиш харажатлари бўйича компенсация олиш учун экспорт қилувчи томонидан ваколатли органга ушбу Низомга 2-иловадаги шаклда ариза берилади. Бунда аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

а) транспорт воситаси орқали экспорт қилинганда:

экспорт шартномаси (инвойс) ва (ёки) воситачилик шартномаси нусхаси;

божхона юк декларацияси нусхаси;

транспорт компанияси ва (ёки) транспорт-экспедиторлик компанияси билан тузилган шартнома ва у бўйича амалга оширилган тўловларни тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси. Экспорт қилувчи маҳсулотларни ўзига тегишли автомобиль транспортида экспортга ташиган ҳолатларда ташиш харажатлари учун сарфланган маблағларни тасдиқловчи ҳисоб-китоблар тегишли асословчи ҳужжатларнинг нусхалари билан тақдим этилади;

маҳсулотлар автомобиль ва (ёки) темир йўл транспортида ташилганда маҳсулотлар экспортга ортилган жойдан экспорт шартномасида кўрсатилган етказиб бериш жойигача бўлган автомобиль йўли ва (ёки) темир йўл масофаси тўғрисидаги маълумотлар (автомобилда ташишда юкхати ҳужжати (CMR)нинг 27-29-бандларидаги маълумотлар, темир йўл транспортида ташишда юкхати ҳужжатининг 22-бандидаги маълумотлар асосида);

маҳсулотларни экспортга ташиш юкхатлари нусхаси;

маҳсулотларнинг келиб чиқиш сертификати нусхаси.

б) почта жўнатмалари орқали экспорт қилинганда:

экспорт қилувчи ва почта алоқа оператори ўртасида тузилган шартнома нусхаси;

почта харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;

почта идораси томонидан бериладиган халқаро почта жўнатмалари бўйича ҳужжат нусхаси.

6. Экспорт қилувчидан ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан бошқа ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

7. Ариза ва тегишли ҳужжатлар ваколатли органга экспорт қилувчи томонидан бевосита, почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда, шу жумладан, ваколатли органнинг веб-сайти орқали тақдим этилади.

Аризада экспорт қилувчининг электрон манзили кўрсатилганлиги унинг аризаси бўйича қабул қилинган қарор ҳақида ахборот тизими орқали электрон шаклда хабарнома олишга бўлган розилиги ҳисобланади.

8. Ариза ва тегишли ҳужжатлар ваколатли органга экспорт қилувчи томонидан бевосита тақдим этилаётганда, ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ эмаслиги аниқланган ҳолатларда ариза ва ҳужжатлар кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

9. Ариза ва тегишли ҳужжатлар ваколатли органга экспорт қилувчи томонидан почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда, шу жумладан, ваколатли органнинг веб-сайти орқали тақдим этилганда, ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ эмаслиги аниқланган тақдирда, ваколатли орган уч иш куни ичида экспорт қилувчига етишмаган ҳужжатлар билан бирга қайта мурожаат қилиши ҳақида ёзма ёки электрон шаклда хабар юборади.

10. Ушбу Низомнинг 5-бандида қайд этилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилган аризалар ваколатли орган томонидан етти иш куни давомида кўриб чиқилади.

11. Ваколатли орган экспорт қилувчи ва у томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ушбу Низомнинг 3-бандидаги шартларга мувофиқлиги нуқтаи назаридан ўрганиб чиқади.

12. Ваколатли орган экспорт қилувчи ва у томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ахборот тизимлари, шу жумладан, Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими орқали ва тегишли органларнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги маълумотлар базалари ёрдамида ҳамда сўровномалар юбориб, жавоблар олиш орқали ўрганиб чиқиши мумкин.

13. Экспорт қилувчи аризаси бўйича компенсация бериш юзасидан қарор (хулоса) ваколатли орган томонидан қабул қилинади. Бунда экспорт қилувчининг аризасини кўриб чиқиш учун тўлов ундирилмайди.

4-боб. Компенсация тақдим этишни рад этишнинг асослари

14. Экспорт қилувчига компенсация беришни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

экспорт қилувчи ва у томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг ушбу Низомнинг 3-бандида белгиланган шартларга ёки уларнинг бирига номувофиқлиги;

экспорт қилувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда ушбу Низомда белгиланган тартибда ўрганишлар натижасида ишончсиз ва нотўғри маълумотлар мавжудлиги ёки маълумотларни бузиб кўрсатиш ҳолатлари аниқланган тақдирда;

Давлат бюджети параметрларида ташиш харажатларини компенсация қилишга жорий йил учун ажратилиши кўзда тутилган субсидия тугаган бўлса.

15. Ушбу Низомнинг 14-бандида назарда тутилмаган асосларга кўра экспорт қилувчига компенсация бериш рад этилишига йўл қўйилмайди.

16. Экспорт қилувчи ушбу Низомнинг 14-банди тўртинчи хатбошисида келтирилгандан бошқа асосларга кўра компенсация берилишини рад этиш тўғрисида қарор (хулоса) олганда рад этиш асосларини бартараф этган ҳолда ваколатли органга ариза билан қайта мурожаат қилишга ҳақли.

5-боб. Компенсация миқдорини аниқлаш ва тўловни амалга ошириш тартиби

17. Компенсация миқдори:

а) транспорт воситалари орқали экспорт қилинганда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экспорт фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4707-сон қарорига мувофиқ Хукумат комиссияси қарорлари билан тасдиқланган субсидияларнинг қатъий белгиланган миқдорлари жадвали асосида маҳсулот тури, ҳажми ва экспорт йўналишидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Бунда ҳисобланган компенсация миқдори экспорт қилувчи амалга оширган ҳақиқий ташиш харажатининг 50 фоизидан ошиб кетган тақдирда, компенсация миқдори экспорт қилувчи ташиш харажатларининг 50 фоизига тенг бўлади.

Бироқ қонунчилик ҳужжатларида ўзгача миқдорлар назарда тутилмаган бўлса, юқоридаги тартибда ҳисобланган компенсация миқдори маҳсулотлар экспорт қийматининг (ташиш харажатисиз):

автомобиль транспортида ташишда 5 фоизидан;

Мисол учун: шафтоли маҳсулоти ҳажми 18 500 кг, экспорт қиймати – 158 360 000 сўм (8560 сўм/кг), импорт қилувчи давлат – Россия Федерацияси, ташиш харажати – 25 680 000 сўм, унинг 50 фоизи 12 840 000 сўм, қатъий белгиланган субсидия миқдори 480 сўм/кг. Компенсация миқдори: қатъий белгиланган субсидия миқдори бўйича – $18500 \cdot 480 = 8\,880\,000$ сўм, маҳсулот экспорт қийматига нисбатан (5 фоизи) – 7 918 000 сўм. Демак, тўлаб бериладиган компенсация миқдори 7 918 000 сўмга тенг.

темир йўл транспортида ташишда 7 фоизидан;

Мисол учун: қуритилган сабзавотлар ҳажми 36 000 кг, экспорт қиймати – 1 434 600 000 сўм (39 850 сўм/кг), импорт қилувчи давлат – Россия Федерацияси, ташиш харажати – 64 972 160 сўм, унинг 50 фоизи 32 486 080 сўм, қатъий белгиланган субсидия миқдори 649 сўм/кг. Компенсация миқдори: қатъий белгиланган субсидия миқдори бўйича – $36\,000 \cdot 649 = 23\,364\,000$ сўм, маҳсулот экспорт қийматига нисбатан (7 фоизи) – 100 422 000 сўм. Демак, тўлаб бериладиган компенсация миқдори 23 364 000 сўмга тенг.

ҳаво транспортида ташишда мева-сабзавот маҳсулотларига 15 фоизидан, бошқа маҳсулотларга 6 фоизидан ортиб кетган ҳолатларда компенсация миқдори маҳсулот экспорт қийматига (ташиш харажатисиз) нисбатан ушбу белгиланган фоизлардан келиб чиқиб ҳисобланади.

Мисол учун: трикотаж маҳсулоти ҳажми 2 461 кг, экспорт қиймати – 600 484 000 сўм (244 000 сўм/кг), импорт қилувчи давлат – Россия Федерацияси, ташиш харажати – 42 682 630 сўм, унинг 50 фоизи 21 341 315 сўм, қатъий белгиланган субсидия миқдори 7 250 сўм/кг. Компенсация миқдори: қатъий белгиланган субсидия миқдори бўйича – $2461 \cdot 7250 = 17\,842\,250$ сўм, маҳсулот экспорт қийматига нисбатан (6 фоизи) – 36 029 040 сўм. Демак, тўлаб бериладиган компенсация миқдори 17 842 250 сўмга тенг.

б) Ҳукумат комиссияси томонидан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ маҳсулотлар почта жўнатмалари орқали экспорт қилинганда почта харажатларининг 50 фоизи, бироқ, маҳсулот экспорт қийматининг (почта харажатларисиз) қонунчилик ҳужжатларида ва Ҳукумат комиссияси қарорларида ўзгача миқдорлар назарда тутилмаган бўлса, 5 фоизидан ортиқ бўлмаган қисми ваколатли орган томонидан белгиланган тартибда компенсация қилиб берилади.

18. Чет эл валютасида тўлов амалга оширилган ташиш харажатлари учун компенсация миллий валютада амалга оширилади. Чет эл валютасида тўлов амалга оширилган ташиш харажатининг миллий валютадаги қиймати экспорт қилувчи томонидан ташиш харажатлари учун тўлов амалга оширилган кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган тегишли валюта курсига асосан ҳисобланади.

19. Экспорт қилувчиларга ташиш харажатлари бўйича компенсация тақдим этиш ваколатли орган томонидан, унинг буюртманомаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилган субсидиялар доирасида амалга оширилади.

20. Ваколатли орган ҳар ҳафта якуни бўйича кейинги ҳафтанинг биринчи иш кунида экспорт қилувчилар томонидан тақдим этилган аризаларни кўриб чиқиш якунларига мувофиқ экспорт қилувчиларга компенсациялар тақдим этиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан субсидиялар ажратиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига буюртманома тақдим этади.

21. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ваколатли орган томонидан тақдим этилган буюртманомани олган кундан бошлаб икки иш куни ичида буюртманомада кўрсатилган субсидияни ваколатли органнинг махсус шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказиб беради.

Бунда молия йили якуни бўйича ушбу шахсий ғазна ҳисобварағида фойдаланилмай қолган бюджет маблағлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига қайтарилади.

22. Ваколатли орган махсус ғазна ҳисобварағига тушган субсидияни икки иш куни мобайнида ваколатли орган томонидан компенсация тақдим этилиши белгиланган тегишли экспорт қилувчиларнинг тижорат банкларидаги ҳисобварақларига ўтказиб беради.

23. Маҳсулотлар консигнация шартномалари асосида экспортга чиқарилганда мазкур Низомга мувофиқ экспорт қилувчига тақдим этилган компенсация тўловлари, агар:

маҳсулотлар учун тўловлар шартнома ва қонунчиликда белгиланган муддатларда экспорт қилувчига тушмаса;

маҳсулотлар сотилмасдан Ўзбекистон Республикасига қайтариб келинса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан қарздорлик сифатида эътироф этилади.

Бунда экспорт қилувчи шундай ҳолат юз берган кундан бошлаб бир ой муддат ичида унга тақдим этилган тегишли компенсация тўловларини ваколатли органга қайтариши шарт. Ушбу муддатда қайтарилмаган компенсация тўлови қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ундирувга қаратилади.

24. Компенсация берилган экспорт қилувчиларнинг реестри ваколатли орган томонидан электрон шаклда юритилади.

6-боб. Якунловчи қоидалар

25. Экспорт қилувчи компенсация тақдим этилишини рад этиш тўғрисидаги қарордан (хулосадан) норози бўлган тақдирда, шунингдек, ваколатли органнинг мансабдор шахслари ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан белгиланган тартибда юқори турувчи ташкилотга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

26. Ваколатли органга субсидиялар ажратилиши ҳамда улардан фойдаланилиши устидан назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти томонидан амалга оширилади.

27. Автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортида ҳамда почта жўнатмалари орқали экспорт қилишда ташиш харажатларининг бир қисми компенсация қилинадиган маҳсулотларнинг янгиланган рўйхати ваколатли орган томонидан ўз расмий веб-сайтида эълон қилиб борилади.

28. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Маҳсулотларни экспорт қилишда ташиш харажатларининг
бир қисмини компенсация қилиш тартиби тўғрисидаги
низоми
1-ИЛОВА

Маҳсулотларни экспорт қилишда ташиш харажатларининг
бир қисмини компенсация қилиш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Масъул ижрочилар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Экспорт қилувчи	Ариза ва тегишли ҳужжатларни тайёрлаш ҳамда ваколатли орган (Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги)га бевосита, почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда, шу жумладан, ваколатли органнинг веб-сайти орқали топшириш.	Экспорт қилувчининг ихтиёрига кўра
2-босқич	Ваколатли орган (Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги)	Такдим этилган ариза ва ҳужжатларни кўриб чиқиш ҳамда компенсация такдим этиш бўйича қарор (хулоса) қабул қилиш: - почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда, шу жумладан, ваколатли органнинг веб-сайти орқали такдим этилган ҳужжатлар тўлиқ эмаслиги аниқланганда экспорт қилувчига етишмаган ҳужжатлар билан бирга қайта муурожаат қилиши ҳақида ёзма ёки электрон шаклда хабар юбориш; - тўлиқ такдим этилган ҳужжатлар бўйича тегишли қарор (хулоса) қабул қилиш ва экспорт қилувчини хабардор қилиш.	Уч иш куни мобайнида Етти иш куни мобайнида
3-босқич	Ваколатли орган (Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги)	Субсидия ажратиш бўйича буюртманома тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига такдим этиш.	Ҳар ҳафта якуни бўйича кейинги ҳафтанинг биринчи иш кунида
4-босқич	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлигининг буюртманомасига мувофиқ Давлат бюджетидан субсидия ажратиш.	Буюртманома қабул қилинган кундан бошлаб икки иш куни мобайнида
5-босқич	Ваколатли орган (Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги)	Экспорт қилувчининг аризасида кўрсатилган банк ҳисобварағига компенсация тўловини ўтказиб бериш.	Субсидия ғазна ҳисобварағига тушган кундан бошлаб икки иш куни мобайнида

Маҳсулотларни экспорт қилишда ташиш харажатларининг
бир қисмини компенсация қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо
вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш
агентлигига

дан

(экспорт қилувчининг номи)

Ариза

(экспорт қилувчининг номи) томонидан

(мамлакат номи) давлатига автомобиль/темир йўл/ҳаво транспортида /почта
жўнатмалари орқали (тегишлисининг тагига чизилади) экспорт қилинган, умумий қиймати
АҚШ доллариға тенг, ТИФ ТН коди _____ бўлган _____ (маҳсулотнинг
номи) маҳсулот(лар)ини экспорт қилиш учун сарфланган _____ сўм
миқдоридagi транспорт/почта (тегишлисининг тагига чизилади) харажатининг 50 фоизигача
қисмини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилadиган субсидия ҳисобидан
компенсация қилиш масаласини кўриб чиқишингизни ва тегишли компенсация тўловини
_____ (тижорат банкининг номи) тижорат банкининг
_____ (ҳудуднинг номи) филиалидаги бизнинг
_____ ҳисобвараққа ўтказиб беришингизни сўрайман.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

1. Транспорт воситаси орқали экспорт қилинганда:

экспорт шартномаси (инвойс) ва (ёки) воситачилик шартномаси нусхаси;

божхона юк декларацияси нусхаси;

транспорт компанияси ва (ёки) транспорт-экспедиторлик компанияси билан тузилган шартнома
ва у бўйича амалга оширилган тўловларни тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси. Экспорт қилувчи маҳсулотларни
ўзига тегишли автомобиль транспортида экспортга ташиган ҳолатларда транспорт харажатлари учун
сарфланган маблағларни тасдиқловчи ҳисоб-китоблар тегишли асословчи ҳужжатларнинг нусхалари билан
тақдим этилади.

маҳсулотлар автомобиль ва (ёки) темир йўл транспортида ташилганда маҳсулотлар экспортга
ортилган жойдан экспорт шартномасида кўрсатилган етказиб бериш жойигача бўлган автомобиль йўли
ва (ёки) темир йўл масофаси тўғрисидаги маълумотлар (автомобилда ташишда юкхати ҳужжати (CMR)нинг
27-29 бандларидаги маълумотлар, темир йўл транспортида ташишда юкхати ҳужжатиининг 22 бандидаги
маълумотлар асосида);

маҳсулотларни экспортга ташиш юкхатлари нусхаси;

маҳсулотларнинг келиб чиқиш сертификати нусхаси.

2. Почта жўнатмалари орқали экспорт қилинганда:

экспорт қилувчи ва почта алоқа оператори ўртасида тузилган шартнома нусхаси;

почта харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;

почта идораси томонидан бериладиган халқаро почта жўнатмалари бўйича ҳужжат нусхаси.

раҳбари

(экспорт қилувчи номи)

(Ф.И.О.)

Боғланиш учун телефон: +998 () _____

